БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 89 (4336).

6 МАЙ ЧОРШАНБА 1970 йил.

Баҳоси 2 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИГА

О Ч И Қ Х А Т

Биз, КПСС Марказий Комитетининг қуйида имзо чеккан аъзолари корхоналар, колхозлар, совхозлар, муассасалар, ўқув юртлари коллективларидан, шунингдек сайловчиларнинг округ сайлов олди кенгашларидан ҳар биримиз алоҳида-алоҳида мактуб ва телеграммалар олдик. Улар бу мактуб ва телеграммаларида бизни бир қатор сайлов округларидан саккизинчи чақириқ СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганликларини хабар қиладилар ва ана шу округлардан овозга қўйилиш учун розилик беришимизни сўрайдилар.

Бизни СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган ишчиларга, колхозчиларга, инженер-техник ходимларга, хизматчиларга, барча сайловчиларга самимий ташаккуримизни изҳор қиламиз. Биз ўзимизга нисбатан изҳор қилинган юксак иззат-ҳурмат ва ишончни тамомила шонли Коммунистик партиямиз шаънига деб биламиз ва бу ишончни совет халқини комил ишонч билан Ленин йўлидан коммунизм тантанаси сари олиб бораётган партия сиёсатини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигини исбот этувчи далил деб ҳисоблаймиз.

Ҳар биримиз фақат битта сайлов округида овозга қўйилишимиз мумкин бўлганлиги сабабли КПСС Марказий Комитети бизга қуйидаги сайлов округларида овозга қўйилиш учун розилик беришни тавсия этди:

Брежнев Л. И. — Иттифоқ Советига, Москва шаҳри, Бауман сайлов округи.

Воронов Г. И. — Иттифоқ Советига, Новосибирск шаҳри, Новосибирск—Октябрь сайлов округи.

Кириленко А. П. — Иттифоқ Советига, Свердловск шаҳри, Свердлов—Чкалов сайлов округи.

Косигин А. Н. — Миллатлар Советига, Москва шаҳар сайлов округи, РСФСР.

Мазуров К. Т. — Иттифоқ Советига, Минск шаҳри, Минск шаҳар биринчи сайлов округи.

Пельше А. Я. — Миллатлар Советига, Киров сайлов округи Латвия ССР.

Подгорний Н. В. — Иттифоқ Советига, Москва шаҳри, Ленинград сайлов округи.

Полянский Д. С. — Миллатлар Советига, Краснодар сайлов округи, РСФСР.

Суслов М. А. — Иттифоқ Советига, Ленинград шаҳри, Киров сайлов округи.

Шелепин А. Н. — Миллатлар Советига, Ленинград шаҳар сайлов округи, РСФСР.

Шелест П. Е. — Иттифоқ Советига, Киев шаҳри, Киев—Жовтневе сайлов округи.

Андропов Ю. В. — Иттифоқ Советига, Москва область, Кашир сайлов округи.

Гришин В. В. — Иттифоқ Советига, Москва шаҳри, Перовский сайлов округи.

Демичев П. Н. — Иттифоқ Советига, Москва шаҳри, Дзержинский сайлов округи.

Кунаев Д. А. — Иттифоқ Советига, Алмаота шаҳри, Олмаота—Ленин сайлов округи.

Машеров П. М. — Миллатлар Советига, Минск—Совет сайлов округи, Белоруссия ССР.

Мжаванадзе В. П. — Миллатлар Советига, Тбилиси—Киров сайлов округи Грузия ССР.

Рашидов Ш. Р. — Миллатлар Советига, Тошкент Ленин сайлов округи, Ўзбекистон ССР.

Устинов Д. Ф. — Миллатлар Советига, Ленин сайлов округи, Удмуртия АССР.

Шчербицкий В. В. — Иттифоқ Советига, Киев шаҳри, Киев—Ленин сайлов округи.

Капитонов И. В. — Иттифоқ Советига, Иваново область, Кинешемский сайлов округи.

Катушев К. Ф. — Иттифоқ Советига, Горький шаҳри, Совет сайлов округи.

Кулаков Ф. Д. — Иттифоқ Советига, Ставрополь ўлкаси, Петровский сайлов округи.

Пономарев Б. Н. — Миллатлар Советига, Калинин сайлов округи, РСФСР.

Соломенцев М. С. — Иттифоқ Советига, Ростов область, Шахтинский сайлов округи.

Саккизинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссияларидан бу хатни депутатликка номзодларни рўйхатга олиш вақтида ҳужжат деб билишни сўраймиз.

БРЕЖНЕВ Л. И.
ВОРОНОВ Г. Н.
КИРИЛЕНКО А. П.
КОСИГИН А. Н.
МАЗУРОВ К. Т.
ПЕЛЬШЕ А. Я.
ПОДГОРНИЙ Н. В.
ПОЛЯНСКИЙ Д. С.
СУСЛОВ М. А.
ШЕЛЕПИН А. Н.
ШЕЛЕСТ П. Е.
АНДРОПОВ Ю. В.
ГРИШИН В. В.
ДЕМИЧЕВ П. Н.
КУНАЕВ Д. А.
МАШЕРОВ П. М.
МЖАВАНАДЗЕ В. П.
РАШИДОВ Ш. Р.
УСТИНОВ Д. Ф.
ШЧЕРБИЦКИЙ В. В.
КАПИТОНОВ И. В.
КАТУШЕВ К. Ф.
КУЛАКОВ Ф. Д.
ПОНОМАРЕВ Б. Н.
СОЛОМЕНЦЕВ М. С.

1970 йил, 5 май.

КЎК ОЗУҚА—СУТ БУЛОҒИ



Икки томони поёнсиз пахтазорлар билан ўралган ораликда кузги сули бош чиқариб кўкракка уриб турибди. Майни шабадада ирғалиб тебранаётган ғаллазор денгиз тўлқинини эслатади. Колхоз чорвадорлари бу йил 15 гектар ерга кузда сули сепган эдилар. У кўклигида ўриб шу кунларда молларга берилмоқда. Ширали ва тўйимли кўк сули поясини еяётган сигирлар сутига сут қўшмоқда. Комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи Ҳошимжон Қосимов бугунги фойдаси ҳақида шундай деди:

— Маълумки, апрелнинг ўрталари, май ойнинг бошларига келиб силос ҳамма жойда ҳам тугаб қолади. Яйлов бўлмаган бизнинг хўжалик сингари колхозларда молларга кўкат бериш имконияти бўлмайди. Шунинг учун бедалар ҳали етилмай туриб ўриб беришга мажбур бўлинади. Натижада беданинг биринчи ўримидан мўлжалдаги пичанни ололмасдик. Ўтган йили кузда колхоз правлениеси ва партия ташкилотида маслаҳатлашилиб беданинг биринчи ўримини сақлаб қолиш учун кузда 15 гектар ерга сули экиш планлаштирилди. Мана кўриб турибсизлар сули жуда яхши ўсиб эрта етилди. Апрелнинг дастлабки кунларидан бошлаб соғин сигирларга ўриб бераяпмиз. Сут соғувчиларнинг айтишига қараганда уларнинг боқимандаги сигирлар ана шу кўк сули поясини еябошлагандан кейин сутига сут қўшган, илгарингига қараганда давлатга кўплаб сут топшириш имконияти туғилди.

Биз сули ўраётган ва майдалаб машина кузовини тўлдираётган механизаторларнинг ишини кузатамиз. Тракторчи Турсунали Қаландаров ўз агрегатини моҳирлик билан бошқармоқда. Унинг ёнида кетаётган прицеп кузовига кўк майса оқими тўхтовсиз тушиб турибди. У дам ўтмай тўлади ва ферма томон йўл олади. Султон Рўзиматов, Абди Тоштемиров каби прицепчилар дала билан ферма ўртасида тўхтовсиз қатнаб турибдилар. Ҳар куни 10—13 прицепдан кўк майса етказиб берилмоқда.

Бригадир билан суҳбатимиз давом этади. Ундан сули ўринга қандай экин экиш мўлжалланганлигини сўраймиз. Ҳошимжон Қосимов жавоб беради:

— Сули ўрнига қандай экин экса ҳам пишиб етилади. Биз силос учун маккажўхори экмоқчимиз. Маккажўхоридан ҳам 500 центнерга етказиб силосбоп кўкпоя оламиз. Бу йил кузги сули экиб фойдасини мана кўриб турибмиз. Бу тажрибани 1970 йилда давом эттириб, кузги сули майдонини янада кенгайтиришга ҳаракат қиламиз. Шундай қилиб моллар учун кўкат танқис бўлган пайтда, яъни кўкламнинг дастлабки кунларида уни етарли миқдорда етказиб туришни таъминлаймиз.

Сулидан бўшаган ерлар нешма-неш ҳайдалиб, эгат олиниб маккажўхори экилаётир. Бу соҳада тракторчи Ўтаган Бўжанбоев фидокорона меҳнат қилмоқда.

Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз чорвадорлари хўжаликнинг бу соҳасини фойда келтирадиган тармоққа айлантириш учун зарур бўлган барча тадбирларни моҳирлик билан, оқилона амалга ошираётирлар. Буидан бир неча йил илгари асосан пахтачиликдан катта даромад олиб келган бу колхозда ҳозир чорвачиликдан ҳам яхши фойда олинмоқда. Агар юқорида айтилганидек тадбирлар ўйлаб топилиб турмушга татбиқ этилаверса, чорвачилик нуқул фойда келтириш манбаига айланади.

Колхоз пахтакорлари сингари чорвадорларига ҳам ўз ишларида кувончли натижаларга эришишларига тилакдошмиз.

С. МАҲКАМОВ.

Суратда: (Юқорида) Бригада бошлиғи Х. Қосимов (чапда) ва звено бошлиғи О. Маликов ўтлоқлар сулини кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ САМИМИЙ КУТИБ ОЛИНДИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг расмий партия-ҳукумат делегацияси 5 майда Москвадан Прагага жўнаб кетди. Бу делегация Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Чехословакия Социалистик Республикаси президенти ва ҳукуматининг таклифига биноан бормоқда.

Делегация составида — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Совет Иттифоқининг Чехословакиядаги элчиси С. В. Червоненко бор.

Визит вақтида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида янги шартномани имзолаш кўзда тутилади.

Совет делегацияси Чехословакия фашист босқинчилардан озод қилинганлигининг 25 йиллиги байрамида иштирок этади.

* * *

ПРАГА, 5 май. (ТАСС махсус мухбири). Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Чехословакия Социалистик Республикаси президенти ва ҳукуматининг таклифига биноан, бугун КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССРнинг расмий партия-ҳукумат делегацияси Прагага келди.

Рузин аэродромида ҳурматли Совет меҳмонларини Чехословакия партия ва давлат раҳбарлари, Праганинг кўп сонли аҳолиси, социалистик давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, Чехословакия Социалистик Республикасидаги СССР элчихонасининг дипломатик ходимлари кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи маршали М. В. Захаров бошчилигидаги Совет ҳарбий делегациясининг аъзолари, мамлакат фашист босқинчилардан озод қилинган кунининг 25 йиллиги байрамида қатнашиш учун Чехословакияга келган бошқа Совет меҳмонлари бор эди.

Ҳар иккала қардош мамлакат давлат байроқлари билан безатилган аэропорт биносига қўйилган транспарантда чех ва рус тилларида: «Совет Иттифоқи билан мангу биргамиз!» деган сўзлар ёзилган.

Чехословакия ҳарбий-ҳаво кучлари реактив қирувчи самолётларининг фахрий эскорти Совет—Чехословакия чегарасидан ҳамроҳ бўлиб келган Совет ИЛ—62 самолёти аэродромга қўнади.

Совет делегациясини Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Л. Свобода, Чехословакия ҳукуматининг раиси Л. Штроугал, Чехословакия Социалистик Республикаси Федерал мажлисининг раиси Д. Ганес, бошқа партия ва давлат арбоблари қардошларча самимий кутиб оладилар.

Аэродромда Совет Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси давлат гимнларининг садоси янграйди. Тўпладан бир йўла ўқ узиладн.

Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Г. Гусак, Л. Свобода ва Л. Штроугал ўтган фахрий қоровул сафи олдидан ўтадилар. Пионерлар Совет меҳмонларига гулдасталар тақдим этадилар. Прага меҳнаткашларидан 10 мингдан ортиқ киши совет ва чех халқларининг дўстлиги намойишига айланди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги байрами муносабати билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган бир қанча чет мамлакатлар коммунистик партиялари атоқли арбобларининг бир группаси 5 майда Тошкентга келди. Меҳмонлар орасида Аргентина Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Херонимо Арнедо Альварес, Уругвай Компартияси ижроия комитетининг аъзоси ва партия Марказий Комитетининг секретари Альберто Суарес, Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Рита Ибарбуру, Венесуэла Компартияси Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Альсидес Родригес бор.

Аэропортда чет эллик меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари В. Г. Ломоносов, И. Г. Анисимкина, Н. М. Матчоновлар кутиб олишди. (ЎзТАГ).

МАТБУОТ КУНИ ШАРАФИГА

5 майда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида матбуот кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Журналистлар, ишчи ва қишлоқ мухбирлари, нашриётлар ва полиграфия саноатининг ходимлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари бу ерга тўпланишди.

Йиғилишни Тошкент область партия комитетининг секретари, Б. А. Абдураззоқов очди. КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланди.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориев матбуот куни тўғрисида доклад қилди. (ЎзТАГ).

НОРОЗИЛИК МИТИНГИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг неча минглаб меҳнаткашлари Америка қўшинларининг бетараф Камбоджага қурол кучи билан бостириб кирганлигига қарши норозилик билдириш учун 5 майда митингга тўпланишди. Комбинат партия комитетининг секретари Н. А. Фомина митингни очиб, Камбоджадаги аҳвол муносабати билан Совет ҳукуматининг баёноти тўғрисида сўзлаб берди.

Ишчилар, инженерлар, техниклар бирин-кетин сўзга чиқадилар. Улар тўқимачиларнинг фикрини изҳор қилиб, Совет ҳукуматининг баёнотини қизғин маъқуллайдилар, СССР халқлари, Совет давлати Камбоджанинг бетарафлиги ва мустақиллигини, унинг суверенитети ва территориал бутунлигини дом ҳурмат қилиб келаётганликлари тўғрисида гапирадилар. Нотиқлар халқаро жандарм ролини ошкора бажараётган АҚШ нинг разил ҳуружларини қоралайдилар. АҚШ ўзининг агрессив ҳаракатлари ва инвогарликлари билан Ҳинди-Хитой халқларининг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини оёқ ости қилмоқда.

Тошкент тўқимачилари якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда АҚШнинг Камбоджада сурбетларча қилаётган бебошлигини қатъий қоралашлар ва агрессорнинг қўшинларини Камбоджа территориясидан олиб чиқиб кетишни, деб талаб қилдилар. (ЎзТАГ).

КАМБОДЖАДАГИ АҲВОЛ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Америка қўшинлари Камбоджага бостириб кирганлиги муносабати билан 4 майда Совет ва чет эл мухбирлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Матбуот конференциясини СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико очди. СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин Совет ҳукуматининг баёнотини ўқиб берди.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Америка Қўшма Штатларининг Камбоджага қарши агрессив ҳаракатлари натижасида Шарқи-Жанубий Осиёдаги вазият жиддий кескинлашганлиги муносабати билан Совет ҳукумати қуйидаги баёнотни изҳор этишни зарур деб топди.

АҚШ президенти Р. Никсоннинг бўйруғига биноан, Америка қуролли кучлари 30 апрелдан 1 майга ўтар кечаси бетараф Камбоджа территориясига бостириб кирдилар. АҚШ президентининг радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқида шу ҳақда гапирилди. Телеграф агентликларининг хабарларига қараганда, Америка қуролли кучлари, шу жумладан, бронетанк қисмлари ва авиация Камбоджа аҳолисини ҳалокатга дучор қилиб, Камбоджа территориясининг ичкари томонига силжиб бормоқдалар. Америка қўмондонлиги ана шу агрессив операцияларни ўтказиш учун Жанубий Вьетнам қўғирчоқ режими қўшинларининг талайгина қисмидан ҳам фойдаланмоқда.

Эндиликда Шарқи-Жанубий Осиё территориясида янги уруш ўчоғи пайдо бўлди. Бу уруш ўчоғи алангаси Вьетнам ва Лаос билан бир қаторда Камбоджага ҳам ёйилди.

АҚШ президенти уруш ҳаракатларини Ҳинди-Хитой ярим оролидаги яна бир давлат территориясига ёйгани ҳолда, ўз баёнотида Америка агрессияси қурбонларини қўллаб-қувватлаб чиқишга қарор берадиган барча давлатларга таҳдид қилди. Бунинг устига АҚШ кейинги кунларда Вьетнам Демократик Республикасининг баъзи районларига осмондан қаттиқ ҳужум қилмоқда. АҚШ бу билан Париждаги тўрт томонлама музокоралар негизи бўлган келишув юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятини қўпол равишда бузди.

Америка ҳукумати кучли давлат халқаро ишларда гўё куч ишлатмасдан бошқача ҳаракат қилолмайди, деган фиқрга асосланиб, сиёсатда агрессив йўлга амал қилиб келаётганлиги кўриниб турибди. Вашингтонда ўзларига ёқмаган ҳукуматни ағдариб ташлаб, ўзининг айтганини бажарадиган ҳукуматни ўрнатиш учун Америка Қўшма Штатларининг ўзи мақбул топган жойда кучдан фойдаланиш кифоядир, деб ўзбилармандлик билан фараз қилмоқдалар. Ўтмишда ҳам қўлланилган бундай йўл Америка ташқи сиёсатини мағлубиятга учратган эди ва мағлубиятга учрата беради. Бу—яхши маълум. Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган уруш буни исбот этувчи мисолларнинг биридир.

Президент Никсон Камбоджада уруш бошлаб ва Вьетнам Демократик Республикасининг аҳоли яшайдиган районларини кенг кўламда яна ваҳшиёна бомбардимон қилишга киришиб, амалда ўзидан олдин ўтган президент Жонсоннинг 1968 йил ноябридан бошлаб осмондан бомбардимон қилишларини ҳаммасини ва Вьетнам Демократик Республикасига қарши куч ишлатиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида қарорини ҳам чиппакка чиқарди.

АҚШ президентининг мазкур баёнотида Камбоджага қарши агрессияни оқлашга уриниб кўрилади ва шу мақсадда жаҳон жамоатчилик фикрини, шу жумладан, Америка жамоатчилик фикрини чалғитишга мўлжалланган уйдирма гаплар илгари сурилади.

Вашингтонда ҳарбий кучлар билан Камбоджага бостириб кириш тўғрисидаги қарорни бундай бостириб кириш Жанубий Вьетнамдаги Америка солдатларининг ҳаётини қутқазиш учун зарур, деган баҳоналар билан оқлашга уринмоқдалар. Бу жуда ҳам талати мантиқ. Дастлаб бир мамлакатнинг территориясига бостириб кирган агрессор ўз солдатларининг, яъни чет эллик интервенциячиларнинг ҳаётига кимлардир таҳдид қилмоқда ва бу нарса, агрессор нуқтаи назаридан қараганда, биринчи мамлакат билан қўшни бўлган яна бир мамлакат территориясига бостириб кирмоқ учун етарли баҳона бўлади, деб айтмоқда. Шу билан бирга, давлатлар чегараси ва суверенитети, территорияларнинг дахлсизлиги АҚШ учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади. Аммо бундай сиёсат халқаро ишларда ўта кетган бебошлик бўлиб, кескин суратда қораланиши лозим.

Ҳаммага равшанки, АҚШ Ҳинди-Хитойда агрессияни кенгайтириши билан АҚШ солдатларининг ҳаёти учун хавф-хатар сира ҳам камаймайди.

АҚШ Вьетнам тупроғида, Лаосда, эндиликда эса Камбоджада ҳарбий авантюралар гирдобига қанча кўп кириб борса, Америкадаги оилалар ўзларининг яқин кишиларидан шунча кўп жудо бўладилар. АҚШ ҳукумати неча ўн минглаб ва юз минглаб америкаликларни ҳалокатдан сақлаб қолиш тўғрисида чинакам ғамхўрлик қиладиган бўлса, бунинг учун тўғри бир йўл бор эди: Америка қўшинларини Вьетнамга ҳам, Камбоджага ҳам, Лаосга ҳам юбормаслик, уларни ўз юртларига қайтариш керак эди.

Уруш ҳаракатларини Камбоджа территориясига кўчириш Вьетнамдаги уруш тамом бўлаётган пайтини яқинлаштиради, деган даъволар ҳақиқатдан жуда узоқдир. Шундай бўлиб чиқадики, Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатлари майдонининг кенгайтирилиши уруш миқёсларини ошармай, балки қисқартирар эмиш.

АҚШ президентининг баёнотидан шу нарса кўриниб турибдики, АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги бутун сиёсати каби, бу баёнотнинг ҳақиқий моҳияти ҳам ана шу райондаги мамлакатларда тараққийпарвар режимларни тугатишдан, миллий озодлик ҳаракатини бўғиб ташлашдан, халқларнинг социал тараққиётига халақит беришдан ва мустамлакачилик методлари ёрдами билан Ҳинди-Хитой ярим оролидаги давлатларнинг ташқи ва ички сиёсатини ўзларининг ҳарбий—стратегик манфаатларига бўйсундириш ва уларни ўзларининг ҳарбий блокларига жалб этишдан иборат, АҚШнинг ана шу райондаги асосий мақсадлари ана шундай. Бу мақсадлар

(Давоми 2-бетда).

КАМБОДЖАДАГИ АҲВОЛ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Боши биринчи бетда)

барча халқларга яхши маълум. Бу — халқларнинг манфаатларига ёт бўлган империалистик, агрессивлик мақсадларидир. Шуьинг учун ҳам бу мақсадлар муқаррар ҳалокатга маҳкум этилгандир.

АҚШ сиёсатини оелгилаб бераётган кишилар учун Камбоджанинг бетарафлик сиёсати ёқмайди. Камбоджанинг кейинги вақтларгача ўтказиб келган тинчликсеварлик йўли уларга ёқмайди. АҚШ тегишли идораларининг қўпорувчилик фаолияти билан Пномпендаги давлат тўнтариши ўртасида алоқа бўлганлиги Америка Камбоджага бостириб кирганидан кейин янада аён бўлиб қолди. Давлатнинг қонуний бошлиғи шаҳзода Нородом Сианук ана шу давлат тўнтариши натижасида иш бошидан четлатилди. АҚШнинг ана шу идоралари ва уларнинг Камбоджадаги агентлари Кхмер халқи билан вьетнам халқи ўртасига адоват уруғини сочишга уринмоқдалар. Улар Камбоджа территориясида яшовчи вьетнамликларни қирғин қилдилар, қамоқ лагерларини вужудга келтирдиларки, мамлакатнинг тинч аҳолиси ана шу лагерларда ваҳшиёна қириб ташланмоқда. Улар Осиё халқларини бир-бирларига қарши гиж-гижлатиш учун ҳар қандай методлардан фойдаланмоқдалар. Бу райондаги мамлакатлар халқларини бир-бирларини ўлдириш учун уруш қилишга мажбур этмоқдалар. АҚШ президентининг урушни «вьетнамлаштириш» тўғрисидаги доктринаси бунга мисол бўла олади. Шу нарса равшанки, АҚШнинг агрессив сиёсатида унга ёрдамчи бўладиган ҳар қандай ҳукумат халқларнинг душмани сифатида ўзини шармандаи-шармисор қилган бўлур эди.

АҚШга бошқа халқлар учун нималар мақбул ва нималар номақбул эканлигини белгилаш ҳуқуқини ким берди? АҚШ халқаро жандарм ролидан бошқача таърифлаб бўлмайдиган ролни бажаришни қандай асосларга биноан ўз зиммасига олаяпти? — деб савол бериш ўринлидир. Хеч ким унга бундай ҳуқуқни берган эмас, АҚШнинг шундай қилиш учун ҳеч қандай асослари бўлмаган ва йўқ.

Америка ҳарбийларининг Камбоджага бостириб кирганлиги ер куррасидаги барча тинчликсевар кучларни газаблантирмоқда. Совет ҳукумати Хинди-Хитойда АҚШ агрессиясининг кенгайтирилиши агрессияга қарши курашда барча социалистик, барча антиимпериалистик кучлар ва тинчликсевар кучларни бирлаштириш ва уларнинг жипслигини янада кучайтиришга қаттиқ талаб этади, деб ҳисоблайди. Тинчлик ва халқлар озодлиги манфаатларини қадрлайдиган барча давлатлар ҳозир рўй берган вазиятда воқеаларнинг бундан кейинги бориши учун юксак даражада жавобгарликни ҳис этишлари ва агрессорга зарба берилишига астойдил кўмаклашишлари лозим.

Америка қўшинларининг Камбоджага бостириб кирганлиги натижасида умуман халқаро вазият ҳам янада мушкуллашуви мумкин. Шу муносабат билан бундай савол туғилади: АҚШ президентининг ўзаро кураш давридан музокаралар даврига ўтишни ёқлаб кўп марта айтган гапларини қандай маънода тушуниш мумкин? АҚШ 1954 ва 1962 йилларда ўз иштироки билан Женевада тузилган битимларни сурбетларча поймол этиб, халқаро осойишталик негизларига путур етказадиган янгидан-янги ҳужумларни қилаётган бир пайтда АҚШ президентининг етилган халқаро проблемаларни ҳал этиш юзасидан самарали музокаралар олиб бориш ниятида эканлиги тўғрисида жиддий суратда гапириш мумкинми? АҚШ ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини беҳаёлик билан бузаётган экан, АҚШ қатнашаётган ёки қатнашмоқчи бўлган халқаро битимлар қандай қимматга эга бўлади?

Президент Никсоннинг ташқи сиёсат соҳасида қўяётган амалий қадамлари унинг президент лавозимига ўтиш олдидан, шунингдек Оқ уйда бўлган вақтда айтган гаплари ва декларацияларига тамомила зид эканлиги тўғрисида ўйлаб кўрмай иложи йўқ. Президент Никсон америка халқига ва жаҳон жамоатчилигига Вьетнамдаги урушни тўхтатиш, Америка солдатларини ўз юртига қайтариш ва уларнинг жонини сақлаб қолиш учун ҳамма чораларни кўраман, деб ваъда берган эди. Бу ваъдаларнинг ҳаммаси қуруқ бир гап бўлиб қолаётганлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Чунки АҚШ ҳукумати амалда ўзининг урушқоқлик, агрессивлик йўлини тобора кучайтириб бормоқда.

Совет Иттифоқи Камбоджанинг бетарафлиги ва мустақиллигини, унинг суверенитети ва территориал бутунлигини ҳамиша ҳурмат қилиб келди ва ҳурмат қилмоқда, унинг чегараларини ҳурмат қилмоқда. Бу эса Америкаинг Камбоджадаги интервенциясини қатъий қоралашимиз учун ҳам асосдир. Бу интервенция ҳар қандай уйдирма, баҳоналар билан ниқобланмасин, бир нарса аниқ-равшандир — Хинди-Хитой халқларининг ўз юртида тўла ҳўжайин бўлиш ҳуқуқи сурбетларча поймол этилмоқда ва Америкаинг ўз айтганларини бажартиришга сурбетларча уринаётганлиги жаҳоннинг ана шу қисмида Америка ташқи сиёсатининг негизи бўлиб қолмоқда, фитналар уюштириш, ҳарбий интервенциялар, агрессияларни уюштириш эса бу сиёсатни амалга оширш воситаси бўлиб қолмоқда.

Империалистлар ҳужумига дучор бўлган халқлар, тинчлик ва халқлар озодлиги манфаатларини қадрлаётган барча кишилар Шарқи-Жанубий Осиёда Америка агрессиясининг кенгайтирилишига янада қатъий ва янада самарали зарба берадилар. АҚШ вьетнам халқига қарши олиб бораётган уруши учун ўз зиммасига тушадиган оғир жавобгарликка унинг ҳукмрон доиралари ҳозирдан эътибор берсинлар.

Камбоджа халқига қарши қилинган агрессия учун жавобгарлиги ҳам келиб қўшилади. Совет ҳукумати АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги ана шундай ҳаракат йўлига қараб ўз сиёсати учун тегишли хулосалар чиқариб олади.

Шундан кейин ўртоқ А. Н. Косигин мухбирларнинг саволларига жавоб қайтарди. (ТАСС).

ҚЎЛИ ГУЛ БУНЁДКОРЛАР

Қурама тоғлари нақадар латофатли бу баҳор айёмида Табнати шу қадар гўзалки, таърифини ўринга қўйиш амри-маҳол. Тоғ ёнбағирлари, поёни йўқ адрларнинг кўркамлигидан дил қувонади, офтоб нурида яркираётган яшил ўт-ўланлар кўзни қамаштиргудай. Бу мафтункорлик шу тоғлар ёнбағридаги бунёдкорлик ишлари билан уйғунлашиб янада файзли бўлган.

Кенг майдонда олиб борилаётган қурилиш миқёси кишини ҳайратга солади. Поёни йўққа ўхшайди. Чунки бора-бора мовий уфқларга туташиб кетган. Бу майдонда баралла янграётган қурилиш симфонияси эсаётган майин шабада қанотида узоқ-узоқларга таралади, тоғу-тошларга урилиб, акс садо беради. Сон-саноқсиз қурилиш машиналари — бульдозерлар, экскаваторлар, тракторлар, автомашиналар, грейдерларнинг ҳайқириғи бутун борлиқни тутиб кетгудек мавж уради. Қад кўтараётган, қаддини ростлаган корпуслар ёнидаги минора кранлари бир зум ҳам тўхтамай ҳаракатда, ўз хартумлари билан ғишт, тахта, темир-бетон конструкцияларини тинмай юқорига узатиб турипти...

Ўз сафига юзлаб бинокорлар, монтажчилар, механизаторларни бирлаштирган қурилиш коллективининг механизатори шижоатига қойил қолмай иложингиз қанча. Улкан рух заводининг қисқа муддат — 7-8 ой ичида фойдаланишга топшириш иштиёқида ғайрат камарини маҳкам боғлаган бунёдкорлар кўтарини рух билан ишлашяпти. Қайси бир объектда бўлмаи қаҳрамонона меҳнатнинг гувоҳи бўласиз, қурувчилар улуғ айём — 1-Май байрамини ҳам муносиб тортиқлар билан нишонлашди.

Қурилиш билан танишганинг, кишилар билан суҳбатлашганинг сари бинокорлар механизаторларнинг ажойиб самарасини чуқурроқ ҳис қиласан, уларга офаринлар айтинг келади. Азаматлар мадҳини келтиришга сўз тополмайсан.

Григорий Назаров бир кўришдаёқ кишида ўзига нисбатан ҳурмат уйғотади. У Совет Арманяси сафидан қайтган йигитлик чоғиданоқ қурилишларда ишлайди. Салкам чорак асрдан бери Олмалиқда бунёдкорлик меҳнати билан банд. Унинг қўли теккан, меҳри гиёси синган объектлар шаҳарда жуда кўп, ўнлаб топилади. Мана бир неча ойдан бери рух заводи қурилишида ишлаяпти, 30 дан ортиқ ғишт терувчини бирлаштирган бригадага бош-қош.

— Бу улкан умумхалқ қурилишига озгина бўлса ҳам ҳисса қўшаётганимиздан беҳад хурсандмиз, — дейди у ғурурлик билан.— Бригадамиз аъзолари масъулиятни чуқур ҳис қилиб ишлашяпти. Бу ерда соп кетидан қувиш мумкин эмас, сифат ишимиз мезони бўлмоқда.

Бригада аъзолари жуда сифатли меҳнат қилишяпти, улар қўлидан чиққан ишдан ҳеч айб топиб бўлмайди. Ҳар доим «аъло» баҳоланяпти. Улар топшириқни бажаришда ҳам яхши натижаларга эришишмоқда. Ўртача иш кўрсаткичлари 180 — 200 процентни ташкил этяпти. Меҳнатсеварлар байрам олди социалистик мусобақасида пешқадамлар сафида боришди.

Донгдор бинокор М. Илёсов раҳбарлигидаги бригада аъзоларини «ҳар ишга қодирлар» деб бежиз айтишмас экан. Уларнинг иши билан танишган заҳотиёқ бунга қаноат ҳосил қилдик. Азаматлар бутун бир корпусда барча юмушларни бажаришяпти. Бетончилик, ғишт терувчилик, дурадгорлик тунукачилик — улар қўлидан келаётган ишларнинг асосийлари шулар.

— Кўп ҳунарли бўлиш ишда жуда қўл келаяпти — дейди бригадир. — Меҳнатимиз унумли бўлмоқда. Чунки бир иш бўлмаса, иккинчисини қилиб кетаверамиз. Шу туфайли ҳам нормани 1,5 баравардан бажаряпмиз.

Майолди социалистик мусобақасида фаол иштирок этиш туфайли меҳнатда дурустгина зафарларга эришаётган бинокорлар жуда кўп эканлигини бизга фахрланиб гапиришди. Уларнинг ҳаммасини санаган билан тугатолмайсан.

Электр пайвандчи Жўра Исломович қурилишдаги катта-кичик ҳамма ҳурмат қилади. Касбини пухта эгаллаб, уни қадрлаётган бу монтажчи ўзининг ҳалол меҳнати билан шунга муяссар бўлган. Уни металл конструкцияларини бир-бирига пайванд қилаётганда учратдик. У бутун эътибори билан ишга берилганди. Биз билан суҳбатлашар экан, ўзининг меҳнат йўлини лўндагина қилиб айтиб қўяқолди. Шу ҳунарни эгаллаганига ўн йилдан ошибди. У пайвандлаш таёқчасини дастлаб қўлга олган пайтини эсласа ҳали-ҳали табассум қилиб қўяди. Ўшанда шошиб, пайванд чокларини пухта уламаганлиги оқибатида конструкция брак қилиниб, қайта пайвандланган экан. Бу унинг биринчи ва охирги хатоси бўлди, шу-шу шошқалоқлик билан ишлашни тарк этди. Ҳамма топшириқни, уларнинг мураккаб-ўнғайлигидан қатъий назар, соз бажарадиган, етти ўлчаб бир пайвандлайдиган бўлиб қолди.

Эндиликда у донгдор пайвандчи. Энг оғир юмушларни бажаришни унга топширишади. Донгдор ишчи завод асосий корпусларининг металл конструкцияларини пайвандлашда қатнашмоқда. Ишининг суръати ҳам, сифати ҳам кўнгилдагидек. Нормасини ҳар куни икки бараварга етказиб адо этмоқда. Ўзи меҳр қўйган ҳунарининг сир-асрорларини ёш касбдошларига эринмай ўргатмоқда. Унинг таълимини олган ўнлаб шогирдлари Олмалиқ қурилишларида ишлашяпти...

Экскаватор машинисти ўртоқ В. Гордеев фидокорона меҳнати билан коллектив ўртасида катта обрў орттирган механизатор. У беш йиллик нормасини аллақачонлар бажариб, бир неча ойдан бери келаси йил ҳисобига ишламоқда. Бульдозерчи А. Павлов, арматурачи С. Абдурахмонов, бетончи А. Бозоров, ғишт терувчи П. Фатхутдиновлар сингари бошқа юзлаб олий ҳиммат бинокорларнинг шижоатли меҳнати ҳам мақтовга сазовордир.

Бунёдкорлар рух заводининг айрим объектларини қўлдан чиқариб қўйишди. Ҳали олдиларида муҳим вазифалар турипти: жуда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажаришлари даркор. Шуни ҳисобга олган бунёдкорлар қурилишни кун сайин жадаллаштиришмоқдалар, бунинг учун янги-янги имкониятларни ишга солмоқдалар. Социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқдалар. Бу уларнинг меҳнатда янги-янги муваффақиятларга эришишлари учун гаровдир.

М. МАҲМУДОВ.
Олмалиқ шаҳри.

Область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан олти ойлик фотографлар тайёрлаш курси ташкил этилди. Оржоникидзе районининг марказида иш бошлаган бу курсга кўпгина ҳаваскор фотографлар актив қатнашмоқдалар.

Машғулотларни олиб боришда тажрибали суратчиларнинг ёрдами катта бўлмоқда.

Суратда: машғулот пайти.

Н. АБДУРАСУЛОВ фотоси.



КОНКУРС ЯКУНИ

Энг обод қишлоқ ва посёлкаларни аниқлаш мақсадида ўтказилган оммавий кўрик-конкурс тугади. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кўргазмаси, СССР Госстройи, ВЛКСМ Марказий Комитети, ВЦСПС, СССР Архитекторлар союзи, «Строительная газета» ва «Сельская жизнь» газеталари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва қишлоқ қурилиши министрлиги томонидан ўтказилган бу конкурс В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига аталган эди.

Жюри қарори билан 25 та колхоз ва совхоз посёлкаси энг яхши лойиҳаси, инженерлик қурилмалари қурилишининг илғор иш усуллари қўлланилганлиги, ободлиги учун Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди. Иккинчи даражали диплом билан 50 посёлка, учинчи даражали диплом билан 93 посёлка мукофотланди.

Лауреат посёлкалар орасида Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» ва «Ленин йўли» колхозларининг усадьбалари ҳам бор. Улар учинчи даражали дипломи билан тақдирланди.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти улуг доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан юбилейга бағишлаб, қуйидаги китобларни босмадан чиқарди.

Авторлар коллективи. «БАРҲАЁТ СИИМО». Бу тўпламда Владимир Ильич Ленин ҳақида совет ҳамда чет эл ёзувчиларининг хотиралари жамланган.

«ҚЎШНИ ҚУТЛАБ». Бу тўпламда хорижий шарқ шоирларининг шеърлари ўрин олган.

С. Шермуҳамедов, С. Мирзаев. «ЛЕНИН ВА АДАБИЁТ». Бу асарда В. И. Ленининг адабиёт ҳақидаги таълимоти ва ўзбек совет адабиёти тараққиёти ҳақида фикр юритилган.

Мариэтта Шагинян. «УЛЬЯНОВЛАР ОИЛАСИ» номли роман-хроникаси ҳам ўзбек тилида нашр этилди.

В. Маяковский. «ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН» достонини ўзбек китобхонлари яна бир қайта ўқишга муяссар бўладилар.

Комил Яшин. «ИЎЛЧИ ЮЛДУЗ». 4 парда, 9 кўринишли драма.

Авторлар коллективи. «ШАРҚ ЭРТАКЛАРИ». Халқ даҳоси, ақл-заковати бўлган бу эртакларда ҳар бир халқ маданиятининг миллий хусусиятлари акс этган.

Акмал Пўлат. «ДИЛ ҚЎШИҒИ». Қўшиқлар тўплами.

Енгин Мирзо. «СЕВГИМ, СУРУРИМ». Шеърлар ва газаллар тўплами.

Ҳамза. АСАРЛАР. Икки томлигининг биринчи томи. Бу томдан шоирнинг шеърлари ўрин олган.

Шуҳрат. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР. Уч томликнинг биринчи томи. Бу томга шоирнинг шеър ва балладалари киритилган.

МАҲАЛЛАДА КЛУБ

Пойтахтнинг Киров районидаги «Ҳурматли» кўчаси қарияларининг яхши ташаббуси билан чиққан эдилар. Маҳалладаги клуб қурилиш тўғрисидаги бу таклиф қўллаб-қувватланди.

«Победа» маданият ва истироҳат боғи яқинидаги кўримсиз бўлиб ётган майдонга текисланиб, тартибга келтирилди. Ҳашар йўли билан бу ерда бино қурилди. Бундай хайрли ишга маҳалланинг Ҳ. Мақсудов, С. Набиев, О. Гофуров, Т. Хўжамбердиев, А. Маҳмудов каби активлари бош-қош бўлдилар.

Клуб ва қизил бурчак жойлашган бу бинода, отахонлар даврасида қизғин суҳбат авжга минади. Шахмат-шашка павильонида ўйин қизийди. Қўшиқ ва куй тингламоқчи бўлсангиз, «Музика» хонасига марҳамат қилишингиз мумкин.

Қизил бурчакда медицина пункти ҳам ишлаб турибди. Яқин орада лекторий ўз фаолиятини бошлайди.

Бино ҳовлисида катта гўзлор барпо этилгач «Дўстлар даврасн» бурчаги кишиларни оқшом кечасига таклиф этади.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Миллионлар ғазаби

БУДАПЕШТ, (ТАСС). «Ўз интернационалистик анъаналарига содиқ бўлган венгер халқи империалистик агрессияга дучор бўлган Камбоджа халқи билан ўз бирдамлигини изҳор қилади», деб ёзади «Непсабадшаг» газетаси. Газета АҚШ президентининг Камбоджага қўшин киритиш ҳақидаги қарорини авантюристик қадам, деб атаб, бу ғоят катта шов-шув қилинган урушни «вьетнамлаштиришнинг ҳалокатидан дарак беради, деб ёзди. Газета шуни кўрсатадики, ана шу ҳаракатларга жавобгарлик бутунлай АҚШ ҳукумати устига тушади.

ХАНОЙ, (ТАСС). Муваққат революцион ҳукуматнинг Озодлик матбуот агентлиги тарқатган Баёнотида бундай дейилади: «Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати АҚШ империалистларининг Камбоджага қилган агрессив ҳаракатларини қаттиқ қоралайди. Бу агрессия Камбоджанинг мустақиллиги, суверенитети, территориал бутунлиги, тинчлиги ва нейтралитетини бузмоқда, 1954 йилги Ҳинди-Хитой бўйича Женева битимларини қўпол бузмоқда, Осиёда ва бутун дунёда тинчликка жиддий хавф солмоқда».

СТОКГОЛЬМ, (ТАСС). «АҚШ — Вьетнамдан йўқол!», «АҚШ — Камбоджа ва Лаосдан йўқол!» — кеча Стокгольмдаги Америка элчихонаси биноси олдида ана шундай шиорлар остида намойиш бўлиб ўтди. Намойишчилар АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги сиёсатига норозилик белгиси сифатида элчихона биносига олдида Америка байроғини ёндирдилар.

РИМ, (ТАСС). Италияда Америкаинг Камбоджага қилган агрессиясига қарши оммавий норозилик митинглари бўлиб ўтаяпти. Италия коммунистлар партияси Сиёсий бюросининг аъзоси Джан Карло Пайетта Форлидаги митингда сўзга чиқиб, бундай деди: «АҚШ президенти ва Америка милитаристларининг телбаларча қароридан сўнг янги ёнғин жаҳонининг исталган бошқа бир районида чиқмайди деб ҳеч қандай гарантия бериш мумкин эмас».

ЛОНДОН, (ТАСС). Англия меҳнаткашлари Америка ҳарбийларининг агрессив ҳаракатларини қаттиқ қораламоқдалар. Кеча Лондондаги Гайд — паркда бўлиб ўтган 1 Май митинги қатнашчилари «АҚШнинг Камбоджада ҳарбий ҳаракатларни кенгайтириши ва Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилишни бошлаганлигига» қарши норозилик резолюцияси қабул қилдилар. Митингдан сўнг юзлаб намойишчилар норозилик резолюциясини топшириш учун Америка элчихонаси биносига келишди.

Очлик эълон қилинди

АММОН, 4 май. (ТАСС). Иорданияда чиқадиган «Аддастур» газетасининг бугун босиб чиқарган ҳабарига қараганда, Наблус шаҳридаги Исроил турмасига қамаб қўйилган араб махбусларининг саломатлиги жуда ёмонлашиб кетди. Етти кун муқаддам махбуслар Исроил турма назоратчиларининг шафқатсизларча муомаласига қарши норозилик юзасидан очлик эълон қилган эдилар. Қариндош-уруғларининг махбуслар билан кўришиш тўғрисидаги неча марталаб қилган илтимосларига қарамай, деб ёзади газета, Исроил маъмурлари уларга руҳсат беришдан бош тортди. Араблардан бир неча киши махбусларнинг озод этилишини талаб қилиб, турма биноси ёнида намойиш уюштирганларида Исроил полицияси уларни қамаб қўйди.

ЧИЛИ ЁШЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

САНТЬЯГО, 4 май. (ТАСС). Бу ерда Чили ёшларининг миллий съезди ўз ишини бошлади. Унда мамлакатнинг турли бурчакларидан келган студент, ишчи ва деҳқон ёшларнинг икки юздан ортиқ вакили иштирок этмоқда. Съездда Перу, Боливия, Уругвай, Аргентина ва халқаро студентлар союзи ёшларининг делегацялари қатнашмоқда.

Съезд делегатлари ўз йиғилишларида Чили ёшларининг аҳволи билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни муҳокама қиладилар. Съезд иштирокчилари ўз ҳуқуқлари учун курашда ёшларнинг ҳаракат бирлиги проблемасига алоҳида эътибор берадилар.

ИСРОИЛ АРМИЯСИДАГИ ЁЛЛАНМА АСКАРЛАР

ҚОҲИРА, 4 май, (ТАСС). Ҳафтада бир марта чиқадиган «Роз ал-Юсуф» журналининг куни кеча босмадан чиққан навбатдаги сонида шу журналнинг бош муҳаррири Иброҳим Иззат бундай деб ёзади: 12 давлатдан, жумладан АҚШ, Англия, Жанубий Африка Республикаси, Канада ва Австралиядан келган 3 минг 500 ажнабий кишилар Исроил армиясида асосан ҳарбий ҳаво кучларида, ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмларида, ҳарбий денгиз кучлари ва бронетанк қўшинларида фойдаланилмоқда.

Бу ёлланма аскарлар яхудий миллатига мансуб бўлмаган ва Исроил фуқаролигини қабул қилмаган кишилардир. Бундан ташқари Исроил армиясида икки давлатнинг граждани ҳисобланувчи, яъни Исроил паспорти билан бирга ўзлари аввал истиқомат қилган мамлакат фуқаролигини сақлаб қолган салкам ўн минг яхудий хизмат қилмоқда. Шартнома муддати тугагач, бу кишилар аксарият соҳта номларга расмийлаштирилган Исроил паспортини топшириб, юртларига жўнаб кетиш олдидан ўзларининг ҳақиқий ҳужжатларини оладилар.

1967 йилги Исроил агрессияси арафасида, деб ёзади Иззат, ҳамма ғарб мамлакатларининг пойтахтларидаги Исроил элчихоналари ҳузурида кўнгиллиларни ёллаш ва уларни Исроилнинг «Эл-ал» авиация компанияси самолётларида ғарб пойтахтларидан ижозат ва розилик олиб, Исроилга жўнатиш билан шуғулланувчи махсус бюролар бор эди.

Иззат Исроил армиясида инглиз гражданларининг борлиги хусусидаги Англия ҳукуматининг раддияларига тўхталиб, 1967 йилги Исроил агрессияси планларини ишлаб чиқишда Англия ҳарбий қўмондонлигининг иштироки тўғрисидаги далил-исботларни келтиради.

«Англия қўмондонлиги ишлаб чиққан махфий планга асосан, деб ёзади Иззат, Исроилни ҳимоя қилиш мақсадида Англиянинг Яқин Шарқдаги можарога аралашиш имконияти назарда тутилган эди».

КОНГО ХОТИН-ҚИЗЛАРИ

КИНШАСА, 4 май (ТАСС). Мустақиллик йиллари мобайнида Конго хотин-қизларининг аҳволи тубдан ўзгарди. Конго Демократик Республикаси тарихида биринчи марта хотин-қизлар янги турмуш қуришда актив қатнашиш имкониятига эга бўлди. Конго (Киншаса) мустақиллиги йилларн мабайнида хотин-қизлардан шаҳар коммунистларининг бургомистлари, тракторчилар, врачлар, педагоглар етишиб чиқди. Бундан бир йилча муқаддам Конго Демократик Республикасида хотин-қизлардан чиққан биринчи прокурор Тереза-Генриета Каланда ишлай бошлади. У Киев давлат университетининг юридик факультетини тамомлаб келди. Софи Мадлен Лихау-Канза социал ишлар давлат министри лавозимида ишламоқда.

ГФР УЧУН ЯНГИ ЭСМИНЕЦ

НЬЮ-ЙОРК, 4 май. (ТАСС). АҚШда Ғарбий Германиянинг ҳарбий денгиз флоти учун қурилган ракета ташувчи учинчи эсминец Массачусетс штатидаги Бостон шаҳрида сувга туширилди. Унга собиқ гитлерчи фельдмаршал Роммель номи берилди.

Бундан аввал АҚШдан Германия Федератив Республикасига «Лютьенс» ва «Мельдерс» деган иккита бошқа ракета ташувчи эсминец юборилган эди. Уларнинг биринчиси собиқ гитлерчи адмирал, иккинчиси эса собиқ фашист учувчиси номи билан аталган.

СУВАЙШ КАНАЛИ ОРҚАЛИ ОТИШМА

ҚОҲИРА, 4 май. (ТАСС). Миср артиллерияси кеча кечқуруи Сувайш каналининг жанубий секторидаги Исроил қўшинлари позицияларига қурол-яроғ ва ўқ-дори олиб бораётган Исроил автомобиль колоннасини ўққа тутди. Бирлашган Араб Республикаси ҳарбий вакилининг айтишича, тўплардан отилган ўқлар тўғри мўлжалга тегиб, Исроил позицияларида кучли портлашлар бўлганлиги ва ёнғинлар чиққанлиги кўриниб турган. Икки ўртада бошланиб кетган артиллерия отишмаси икки соат чамаси давом этган.



Германия Демократик Республикасининг ҳукумати мамлакатда етишиб келаётган ёшларни тарбиялашда уларни соғлом ва тетик бўлиб ўсишлари йўлида катта ғамхўрлик қилиб келмоқда. Республикада кичкинтойлар учун юзлаб шинам болалар боғчалари мавжуд. Биргина Дрезден шаҳрида шу йили бир қатор жажжиларга мўлжалланган бинолар қад кўтарди. Суратда: янги қурилиб фойдаланишга топширилган болалар боғчасида.

АДН—ТАСС фотоси.

Буюк ғалабанинг 25 йиллиги олдидан

Солдат САҲИФАСИ

№ 54

АЛАНГАЛИ ЙИЛЛАР ХОТИРАСИ



ВЗВОД агитатори, жанговар снёсий тайёргарлик аълочиси оддий солдат Ф. Бобошев саф дошлари билан суҳбат ўтказмоқда.

А. Асанов фотоси.

ОКОПЛАРДА БИТИЛГАН ШЕЪРЛАР

Адҳам Ҳамдам истеъдодли ёзувчи. У Улуғ Ватан уруши йилларида қўлига қурол олиб Ватан мудофаасида бўлди. Ў фронт газеталарида ишлаб, фидокор жангчиларимизнинг ёвуз фашистларга қарши олиб борган мардонавор курашини мунтазам ёритиб турди. Унинг жанговар очерклари, жозибали лавҳа ва шеърлари фронт газеталарида тез-тез босилиб турди. Адҳам Ҳамдам ўз асарларини фронтнинг олдинги линияларида, ўт ва ўқ, бомба ва миномёт ларзалари остида яратди. Биз шулардан баъзиларини танладик. Буларда тугаллик, бадиий пухталик қиёмига етмаган бўлса ҳам, окоп тафти, жанг ҳароратн сезилиб туради. Шу жиҳатдан ҳам бу шеърлар гослтда қадрлидир.

Зоҳиджон ОБИДОВ.

БАҲОДИР

(Тошкентлик сержант Қосим Мамадов гитлерчиларнинг уч танкини яксон қилди).

Ғувиллаб учиб шамол,
Кўкни қоплади булут.
Душманни айлаб қамал,
Ев бошига соҳдик ўт.
Тепаликка югурди
Абдулқосим жанговар.
Кўринган ёвни қирди
Зафар бўлди унга ёр.
Ярадор бўлди дўсти,
Танк келмоқда узоқдан.
Ев ҳеч қочиб қутилмас —
У ясаган тузоқдан.
Ев устига ёғилди
Олам-олам қўрғошин.
Бизнинг Абдул қизишди,
Ёвга сочиб оташин.
Мамадов очган ўтдан
Фашист танки соврулди.
Аламга тўлган фашист,
Ўт ичида қоврулди.
Довруқларинг таралсин,
Жангда ботир, паҳлавон.
Зафарга юр, камол топ,
Чекинмагин ҳеч қачон.

ЧЕГАРА

Сутдек ойдин ой сузар эркин,
Осмон тоза кўк барги карам.
Ёвни қувиб ҳеч олмасдан тин,
Келиб чиқдим, мана чегарам.
Келиб чиқдим муқаддас ерга,
Мана, менинг пўлат дарбозам.
Йигитлигим, шунда туғилган
Шу ерларда чиққан овозам.
Шунинг учун қирдим душманни
Шунинг учун мен ғарбга юрдим.
Қўлга олиб ғалаба, шонни,
Ҳар бурчакда қақшатдим, урдим.
Мен қираман, ҳали кўп ўчим,
Токи яна қайтиб келмасин.
Гулга тўлган сабзазоримга,
Яна қайта писиб кирмасин.
Мен хумордан чиқмайман асло
Ўз ичида ёвни янчмасам,
Яраланган қонхўр жаллоднинг
Юрагига найза санчмасам.
Сен озодсан, муқаддас ерим,
Чегарамда бўлмас қаро тун.
Тирилмасин қайтадан ганим,
Ев умрига ясайлик якун.
Мен сақлайман ўз чегарамни,
Қалқон қилиб жоним ҳам таним.
Бахтда тўлиб яшнаб гуллайди,
Қаҳрамоним, гўзал Ватаним.

Белосток, 1944 йил.

ТУРСУНАЛИ ВАҲОБОВ

(Андижонлик старшина Турсунали Ваҳобов Могилев учун бўлган жангда ўнта гитлерчини ўлдирди ва бўлинмани яхши позицияга чиқиб олиши учун намуна кўрсатди. Қўмондонлик уни III даражали «Шуҳрат» ордени билан мукофотлади)

Оппоқ олтин,
Кўм-кўк водийларни
Севар эди ёш Турсунали,
Зилол сувли,
Ариқ бўйига
Чиқар эди
Қўшиқ айтгали.
У севарди,
Она-Ватанни
Одат эди
Боғларда юриш.
Кўк бетида
Қора булутлар
Пайдо бўлди
Бошланди уруш.
Турсунали қурол тутди,
Ҳижрон эмас
Чимирилди қошлар,
Жангга кетди...
Ойлар ўтди,
Газабларн курашга бошлар.
Дўстлар бошлаи жанговар йўлда
Нима бўлса кўради бахам,
Ёвни енгар оғир курашларда
Босиб ўтар
Ғовлар бўлса ҳам.
Ҳар бир кўча,
Ҳар бир қишлоқ учун
Жанг қилмоқда ёш Турсунали,
Қабиҳ ёвни
Аямай қирар, гулзор боғда
Яна кезгали.

1944 йил.

СОЛДАТ ҚЎШИҒИ

Атлас кўйлак кийсанг товланар,
Муҳаббатинг чин оловланар.
Севгинг менинг қалбимда ёнар,
Сенинг учун гуллар терганман.
Юзинг кўрса уялди ой,
Қошинг қанот гўёки ўқ-ёй,
Кўзинг ёнар сен ҳуснга бой,
Сенга ошиқ бўлиб юрганман.
Ёвга қарши бошлаганман жанг,
Одамхўрнинг ҳоли бўлди танг,
Яраланди, судралар аранг,
Алмасдан жангга кирганман.
Ғолиб бўлиб қайтаман яна,
Бошланади шодлик, тантана.
Олқишлайди Ватан-ҳур она,
Жонимни мен сенга берганман.

ЛОЧИН ЁЗАР ҚУЛОЧИН

(Совет Иттифоқи Қаҳрамони тошкентлик учувчи Абдусаттор Эшонқуловга бағишлайман).

Фазоларни айлади қамал,
Гуриллади мотор овози.
Зўр жангларда у топди камол,
Достон бўлди унинг парвози.
Уни Ватан йўллади жангга,
Қанот берди снимас пўлатдан,
Кўксин қалқон қилиб Ватанга
Ёвни кўкдан ерга қулатди.
Йўлларида ғов бўлмас калхат
Шартта узар бўйнини лочин.
Ғалабанинг кенг осмонида
Мағрур учар ёзиб қулочин.
Уни куйлар иболи қизлар,
Поёндоздир йўлида бўстон.
Зафар тонги ёришган кезлар,
Олқишлади ҳур Ўзбекистон.

Алтдам шаҳри, 1944 йил.

ҚАҲРАМОН ШАҲАРЛАР БЎЙЛАБ

КЎКСИ ҚАЛҚОН ҚАЛЪА

Қалъа майдонида кучли ҳайқирик. Замин ларзага келяпти. Бир-биримизнинг гапимизни аранг эшитамиз.

Траншеялар қазиляпти. Йўқ, бу мудофаа иншоотлари эмас. Шовқин ҳам тўплар садоси эмас, балки экскаватор, грейдер, скреперлар катта саҳнда наъра тортиб ишламоқда.

«Бу ерда 1941 йил июнь—июлида Брест қалъасининг қаҳрамонона мудофааси шарафига монумент қурилади» деган сўзлар ёзилган хотира тошини, унинг олдидаги сўнмас машъалани қаҳрамон қалъа зиёратчилари кўришган, албатта. Мана шу ишни амалга оширишга бугунги кунда. Буюк Ғалабанинг 25 йиллиги арафасида киришилди.

Ҳозир ёдгорлик комплексининг пойдевори қурилмоқда. Мемориал шу йил октябрь ойида фойдаланишга топширилар экан. Унинг бош архитектори ўзимизнинг ҳамшаҳар чиқиб қолди. Кекса архитектор Виктор Матвеевич Волчек Тошкентда кўп йиллар яшаган. Ўзбекистон пойтахтида Алишер Навоийга ўрнатилган энг катта ҳайкалнинг постаментини тайёрлаган. Уруш йиллари Сталинградда Прагага борган. Ҳозир Минскда турар экан. Архитектор кишилар дилидаги тенгсиз жасорати, сабот-матонати, она юртга муҳаббатининг яққол намунаси бўлган қалъадаги қаҳрамонликни абадийлаштириш, бу мислсиз мардликни келажак авлод кўзи олдида қандай гавдалантириш ҳақида гапириб берди.

Чамамизда, ер юзида адолат, ҳуррият, энг яхши ҳислатларни мадҳ этган мутафаккир шоир ҳайкали билан озодлик, эрк учун босқинчиларга қарши шафқатсиз курашган, қийноқларга бардош берган, лекин таслим бўлмаган марди-майдонлар ёдгорлиги ўртасида умумий томонлар бўлмай қолмайди.

Қазилаётган замин металл парчалари аралаш тупроқдан иборат. Занг босган патронми, гранатами, осколкми, — нима бўлмасин, зиёратчилар эсдалик учун олишга ҳаракат қилишади.

Мен ҳам энгашиб қорайиб кетган гранатага тортиниб қўл чўздим.

— Олаверинг, таги мўл, — дейди ҳазил аралаш экскаваторчи.

Дарҳақиқат, бу ерда даҳшатли урушнинг бундай «жонли гувоҳлари» беҳисоб.

Ахир, тўрт квадрат километр жойдаги қалъа майдонига душман 500 артиллерия ствволидан минутига 4 мингтадан ўқ узган! Тарихий фактлар шундай. Осмон тунда ҳам ёришиб турган, ер-кўк ларзага келган, Буг дарёси қон бўлиб оққан. Лекин кўкси қалқон қалъа таслим бўлмаган.

Нима учун уни душман енга олмади? Нима сабабдан гитлерчилар қалъа деворлари олдида узоқ вақт туриб қолди. Эҳтимол уни мудофаа қилган кучлар катта бўлгандир?

Асло бундай эмас. Мудофаада 22 июнь куни 3,5—4 минг киши қатнашган. Шулардан ҳозир 400 га яқини ҳаёт. Улар қаҳрамон қалъа мудофаачиларининг тенгсиз ирода кучига гувоҳлик берадилар.

Фашистлар қарийб ўн баравар кўп куч билан мудофаачиларга ёпирилган эди. Совет қўшинларининг қаттиқ қаршилигига дуч келиб, катта талафотлар кўрган гитлерчилар қудратли ер ости казематлари, пўлат совутли қалпоқлар ва ерга кўмиб қўйилган танклар бор, деб ўзларининг муваффақиятсизлигини оқламоқчи бўлганлар. Аслида, қалъада бундай мудофаа воситалари йўқ эди.

Йўқ. Душман йўлига ғов бўлган нарса мудофаа иншоотлари эмасди. Ҳаркандай, ҳатто энг такомиллашган истеҳкомларни босиб ўтиши мумкин. Фашизм йўлига ғов бўлган одамлар, социализм қурган, Коммунистик партия ва Ватанга чексиз садоқатли совет кишилари эди. Улар июнь ва июль ойларида қалъада жанг қилиб ўзларининг мардлик ва жасурликлари билан жаҳонни ҳайратга солдилар. Мана шу Брест қалъасида дастлабки совет ерида зарбага учраган гитлерчилар Совет Иттифоқи билан бўладиган уруш зафарли юриш бўлмаслигини ҳис этдилар...

Душманнинг биринчи зарбасини ўзига қабул қилганлар орасида юртдошларимиз ҳам кўп бўлган. 125-ўқчи полкнинг собиқ жангчиси, ўлимларни догда қолдирган Турсун Хидиров, Ватан учун азиз жонини берган оддий аскарлар А. Сўпиев, К. Боқиев, Н. Камолов ва бошқаларнинг номи зўр ҳурмат билан тилга олинади. Қалъа ҳимоячиси Филипп Иванович Паенков ҳозир Тошкентдаги «Водоканал» трестида токарь бўлиб ишлайди. Унинг жанговар йўли Қизил Байроқ ордени, талайгина медаллар билан тақдирланган.

Қаҳрамон қалъа музейида улар ҳақида қизиқарли маълумотлар олиш мумкин. Биз бу ерда юртдошларимиз жасорати ҳақида батафсил тўхталмоқчи, даҳшатли жанг онларини эслатмоқчи эмасмиз. Зотан бу ҳақда кўп эсдаликлар ёзилган. Ҳурматли ёзувчимиз Адҳам Раҳмат Брест қаҳрамонларини излаш йўлида катта иш қилган. Унинг «Брест лавҳалари» китоби музей экспонатлари орасида турибди.

Музей залларини айланиб, бу ерда кўрганларинг ҳақида ёзиш қийин. Уни ўз кўзинг билан кўрибгина, тўлиқ ҳис этиш мумкин.

Бугунги Брест, тинчлик ва яратувчилик шаҳри. У Ғарбдан Шарққа ва Шарқдан Ғарбга бориш йўлидаги асосий дарвозамиз. Азалдан шундай. Ёш Совет республикаси ўзининг дастлабки кунларини бошидан кечираётган вақтда, 1918 йил 3 мартда Оқ саройда таниқли совет дипломати Г. В. Чичерин Ленинниг топшириғи билан Германия билан тинчлик сулҳи тузган. Бу акт тарихга Брест сулҳи номи билан кириб, машҳур бўлган эди.

Ҳозир асосий савдо алоқалари йўли мана шу Брестдан ўтади. Темир йўл платформаларида «Волга», «Москвич» машиналари, «Беларусь» тракторлари ва Совет давлати маркаси бўлган ҳар хил станокларни кўриш мумкин.

Биз томонга эса дўстларимиз ва капиталистик ғарб мамлакатларидан сотиб олинган турли саноат буюмлари ва жиҳозлари ортилган контейнерлар олиб келинмоқда.

Брест — қадимий шаҳар. Унинг тарихи 1019 йилдан бошланади. Лекин ҳозир Брест гуллаган ёшлик даврини бошидан кечирмоқда. Унинг йирик саноат объектлари бор. Темир бетон конструкциялари заводи, гилам фабрикаси, озиқ-овқат корхоналари. Ўн-ўн икки қаватли кўркам бинолар. Буларнинг ҳаммаси урушдан кейин янгидан бунёд этилди.

Лекин Брестнинг шуҳратини қаҳрамон қалъа мудофаачилари оламга таратган. Қалъага қаҳрамон номи берилгандан сўнг (1965 йил 8 май) бу ерга келувчи зиёратчиларнинг сони ошиб кетди. Ҳозиргача қаҳрамон қалъа музейини 3,5 миллион одам келиб кўрди.

Одамлар мардлик, сабот-матонат ва она-ерга бўлган муҳаббатга ўрганиш учун бу ерга келадилар.

С. МУСАЕВ.
Брест—Тошкент.

ФАХРЛАНАМАН

Қутлуғ янги йил арафаси эди. Почтальон уйимизга хушхабар олиб келиб қолди. Конвертда қуйидаги мазмундаги хат бор эди:

«Ушбу справка Солиҳ Собитовга бериладики, у 1941 йилнинг 1 декабридан то 1942 йилнинг 25 февралигача 35-ўқчилар бригадасида ўқчи бўлиб хизмат қилди. Ўртоқ С. Собитов Москва мудофааси учун олиб борилган жангда қатнашди. Ушбу справка собиқ жангчига «Москва мудофааси учун» медали олиш ҳуқуқини беради».

Мактубни ўқиб чиқдим-у, беихтиёр ўша Москва мудофааси учун олиб борилган жанглар кўз олдимда гавдаланди. Ҳа, ўшанда совет жангчилари катта мардлик ва матонат кўрсатган эдилар.

Бизнинг ўқчи бригадамиз Москвага етиб келганида хушхабар тарқалди. Қаҳрамон Панфиловчилар душман хавфини қайтариб, катта жасорат кўрсатган эдилар. Бу жасорат бизни ҳам илҳомлантириб юборди.

Она-Ватан мудофаасига йўл олишдан олдин мактабда ўқитувчилик қилар эдим. Урушдан қайтгач, яна севимли касбимни давом эттирдим. Ҳозир Тошкент область халқ маорифи бўлимида бош инспектор бўлиб ишлаяпман.

Кўксимда «Москва мудофааси учун» медалини фахр билан тақиб юраман.

С. СОБИТОВ,
собиқ жангчи.

МАШҒУЛОТ КУНИ

Шанба. Машғулот ҳафтасининг сўнгги куни. Ленин хонасига взводнинг шахсий состави машғулотига якун ясаш учун тўпланди.

Кўпгина солдатлар снёсий тайёргарлик машғулотларида ўзларини кўрсатдилар. Офицер тактик тайёргарлик машғулотлари тўғрисида гапирди. Младший сержант А. Самадов қўл остидаги солдатлар ҳаракатидаги ижобий ишларни таъкидлаб, бошқа предметлар бўйича эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни ҳам таҳлил қилиб берди. Сўнгра командир кейинги ҳафтадаги вазифалар ҳақида гапирди. У ўрганиладиган темалар ва масалаларнинг мазмунини очиб бериш билангина кифояланмай, машғулотларни қандай метод билан ўтказиш лозимлигини сўзлаб берди. Ҳар бир бўлинманинг вазифаси аниқ белгилаб берилди.

Взвод солдатлари юксак марраларни кўзлаб қоладилар. Бу марраларни эгаллаш кўп куч сарфлашни талаб этади. Взвод шахсий состави ўзининг бор кучини ротанинг энг яхши взводи деган номни сақлаб қолиш учун сарфлайди.

В. ГЛУХОВ,
Н-қисм.





ФРОНТ йўллари олис ва машаққатли бўлган. Жангчиларга бу машаққатлар сезилмас эди. Улар фақат совет кишиларининг озодлиги, она юртимизнинг мустақиллиги учун курашни ўйлардилар. Бу сурат мана шу фронт йўлларида олинган.

Э. Евзерихин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Бу сурат СССР Ҳарбий Денгиз Флотининг кундалик ҳаётидан олинган. Десант кемаларидан тушган бронетранспортерлар қирғоққа чиқиб келмоқда.

Б. Трепетов ва Н. Акимов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).







Шу кунлари пойтахтимизнинг «Юбилей» спорт саройида Ленинграддан келган «Муз устидаги балет» ансамбли қатнашчиларининг чиқишлари катта муваффақият билан ўтмоқда. Суратларда: (юқоридан пастга) ансамблнинг бадиий раҳбари К. Боярский, солистлардан В. Жевляков, М. Подольская ва Т. Черевко ўртоқлар.

Суратларни рассом Н. МЕЛОМЕД чизган.

САНЪАТ ЛАВҲАЛАРИ

1. ДУТОР ТАРОНАЛАРИ

Ҳар кишн дутор садосини эшитганда, ажиб бир сирли оламга қадам қўйгандек бўлади. Дуторнинг дилбар жаранги гоҳ гулзорга бошласа, гоҳ тик чўққиларга ундайди. Гоҳ севги нашидаси билан маст айласа, гоҳ дил дардларини қўзғаб юборади.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан қўшиқ ошиғи, дилбар куйларнинг мафтуни. Бирор зиёфат ёки йиғин йўққи, куй-қўшиқсиз ўтган бўлсин. Бир уй одам бир куй ёки қўшиққа сарҳуш бўлиб, бошларини эгадилар.

Ажойиб дуторчиларимиз Маҳмуд Юнусов, Зокиржон Обидов, Ориф Қосимов кабилар дутор чертиб, кимларни мафтун этмаган дейсиз!

Бундай ажойиб созандаларимиз кетидан талантли ёш дуторчилар ҳам етишиб чиқмоқда. Шундай талантли ёшлардан бири Мирсодиқ Эргашевдир.

Мирсодиқ Навоий номли 40-ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ дутор чалишга қизиқиб қолди. У 1956 йилда 1-интернат мактабдан музика тўгарагига қатнай бошлади. Бу ерда илк устози созанда Ғулом Қўчқоров бўлди. Мирсодиқ Островский номли пионерлар саройи қошидаги музика тўгарагида ҳам қатнашди. Ундаги иштиёқ ва қобилиятни сезган устози Ғулом ака Қўчқоров тўгаракдан ташқари вақтларда ҳам дутор сирларини шогирдига ўргата бошлади. 1958 йилда Москвага концерт қўйгани борган тўгарак аъзолари ичида Мирсодиқ Эргашев ҳам бор эди. У пойтахтдан Фахрий ёрлиқ билан қайтди. 1959 йилда эса Киевдан ҳам Фахрий ёрлиқ олиб келди.

Мирсодиқ 1960 йилда Ҳамза номидаги музика билим юртининг чолғучилик бўлимига ўқишга кирди. 1963 йили эса уни Ўзбекистон Давлат филармонияси қошидаги Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу асбоблар оркестрига ишга таклиф қилишди. Оркестр билан у Қозоғистон ва Сибирга бориб, ўзининг санъати билан ҳаммани мафтун этди. Мирсодиқ 1966 йили музика билим юртини аъло баҳолар билан тугатди. Унинг репертуаридан дуторнинг энг сирли наволари — «Муножот», «Наво», «Нитизорим», рус халқ куйларидан «Ойдин ой», «Урал рақси», Европа куйларидан Брамснинг венгрча рақси, Хачатурянниинг «Қиличбозлар» куйлари ўрин олди.

У ўз санъатини янада чуқурроқ эгаллаш, ўрганиш мақсадида 1969 йилдан бери эса Тошкент Давлат консерваториясида ўқишни давом эттирмоқда.

Мирсодиқ ўзи ҳам куйлар яратишга интилмоқда. Радио орқали Мирсодиқ чалган Ғулом Қўчқоровнинг «Интизорим», Қаҳрамон Комиловнинг «Хаёлимда» куйлари билан ёнма-ён унинг ўзи яратган «Кўнгил гулдастаси» куйлари ҳам мириқиб тингланғансиз. Шу кунларда Мирсодиқнинг «Кўнгил гулдастаси» куйига ўйин саҳналаштирилмоқда.

Мирсодиқ дутор сирларини энди ўрганиб келяпти, ҳали унинг олдида кўплаб вазифалар, янги марралар турибди.

2. ҚЎШИҚЛАР ҚАНОТИДА

Куйсиз қўшиқ йўқ, қўшиқсиз ҳаёт. Назаримда ҳаётимизнинг ўзи ҳам улкан бир қўшиққа ўхшайди. Оҳанглари хилмахил, ранго-ранг.

Бу кичик лавҳамизда ёш хонанда Абдуқодир Юсупов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Абдуқодирнинг санъат даргоҳига кириб келиши анча қийин бўлган. У 106-ўрта мактабнинг 5—6 синфларида ўқиб юрган чоғларидаёқ ашула айтишга қизиқади. Аммо дурадгор отаси Абдунаби Юсупов ўз ўғлининг ашула айтишига тиш-тирноғи билан қарши туради. Ўртага ўқитувчилар тушади:

— Абдуқодирнинг ажойиб овози бор. Талантли ашулачи чиқиши мумкин. Унинг қўшиқ айтишига розилик беринг!— деб илтимос қилишади.

Шундан сўнг Абдуқодир қўлига тор олиб, ўзи севган қўшиқларни хиргойи қила бошлади. Аввал кичик-кичик қўшиқлар айта бошлаган Абдуқодир, тез орада «Тошкент ушшоғи» каби катта ва мураккаб қўшиқларни ўрганиб олди.

1964 йил Абдуқодир учун қувончли йил бўлди. Уни Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясига ишга таклиф этишди. Шундан бери у бу санъат даргоҳида якқахон хонанда бўлиб ишламоқда. Унга Сайфиддин Йўлдошев, Муҳаммаджон Мирзаев, Набижон Ҳасанов каби устозлар яқиндан ёрдам бериб, янги-янги қўшиқларни ўргатдилар.

Абдуқодир театрга ишга келгунча, 1960—1963 йиллар мобайнида «Меҳнат резервлари» маданият уйида ҳам солист, ҳам раҳбар бўлиб ишлади. Шу йилларда у бирнеча бор маданият уйининг Фахрий ёрлиғини олди. 1963 йилда Республика касаба союзлари ташкилоти А. Юсуповнинг маданият уйидаги яхши ишлари ва ажойиб овозини тақдирлаб, унга ўз Фахрий ёрлиғини тақдим этди.

— Биринчи айтган қўшиғим «Бахт» деб аталарди,— деб ҳикоя қилади Абдуқодир.— Ўз ижодимни бахт сўзи билан бошлаганимдан беҳад хурсандман. Чунки, шундан сўнг бахтга бахт уланди!

Абдуқодир Юсупов шу кунларда Т. Ҳасановнинг «Жамолингиздан» (Шўҳий ғазали), К. Комиловнинг «Муҳаббат» (Е. Мирзо шеъри) ва «Боқ» (Г. Исмоилов шеъри) қўшиқларини тайёрлаяпти.

Қўшиқ ҳам куй сингари шундай бир сеҳрли жозибага эгаки, унинг қанотида ҳислар, ҳаяжонлар учади. Биз бу ёш талантларнинг куй, қўшиқлари янада баланд парвоз қилишига тилакдошмиз.

ТЎЛҚИН.

НАМУНАЛИ КУТУБХОНА

Пойтахтимиздаги 4-тегирмончилик комбинати ҳузуридаги бу кутубхона фондида йигирма мингдан ортиқ турли адабиётлар бор. Кутубхоналар сони эса минг кишидан ошиб кетди.

Илм ўчогида адабиётлар бўйича тематик кўргазмалар ҳам ташкил этиб турилади. Айниқса, илмий-техника адабиётлари пропагандаси бўйича олиб борилаётган ишлар ибратлидир.

«Илмий-техника китобларини севасизми?» деган темада ўтказилган конференция китобхонларда яхши таассурот қолдирди. Унда сўзга чиққан мастер Ю. Исроилов, лаборант Р. Шукурова, юк ташувчи А. Юсупов ва бошқалар ўқиган адабиётлар ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

Яқинда кутубхонага бир неча юз сўмлик янги адабиётлар олинди.

М. ЕҚУБОВ.



Тошкентдаги 6-дорихона хизматидан аҳоли хурсанд. Фармацевтлар дори-дармонларни ўз вақтида сифатли тайёрлашга эришмоқдалар.

Дорихонада хизмат қилаётган ходимларнинг кўпи тажрибали фармацевтлардир. Суратда: (ўнгда) ассистент М. Жалилова ва ходим М. Махсудовалар иш устида.

Н. Муҳамаджонов фотоси.

ХУШ МУОМАЛАЛИККА НЕ ЕТСИН

Дид билан безатилган, ҳамма ёғи яралатиб артилган, нўғаи кишининг ҳаваси келадиган ойнадор залга кирдингу бенхтёр у ёқ, бу ёққа тикилиб, бир неча дақиқа туриб қолдик. Рўпарада ҳаммаси бир хилда хушбичим либос кийган, хушбахт қизлар чеҳраларида табассум билан туришарди.

Шу аснода бир воқеани хотирладим. Тўғриси дилда орзу қилган гапнинг устидан чиққанимдан қувондим. Бундан бир-икки йил муқаддам Москвада катта универсал магазинига кирганимда худди шундай хушбичим кийим кийган, малла, қора сочларини чиройлик турмаклаб олган хушрўйгина қизлар ёқимли овоз, ширин тил билан:

— Добрий день, пожалуйста,— деб харидорни қарши олишар, харид қиладиган нарсасини танлаб олишда хушмуомилалик билан ёрдам қилар, магазиндан чиқаётганда эса қадрдон кишиси билан гаплашгандай: — До свидания,— деб қолишарди. Қандай яхши, ҳавас қилгандим.

Куни неча Чилонзорда пештоқига «Шуҳрат мактаб магазини» деб ёзилган магазинга кириб қолиб шу манзаранинг гувоҳи бўлдим-у, ушбу сатрларни ёзишга жазм қилдим.

Сотувчи учун ширин муомала, харидорга эътибор, ҳурмат унинг энг аъло фазилати ҳисобланади, ҳар бир харидор сотувчининг шу фазилат эгаси бўлишини истайди. «Шуҳрат»нинг сотувчилари кимлар, қизиқдим. Улар ўқувчилар, бўлажак савдо ходимлари экан. Директори ўртоқ Абдураҳим Абдураҳмонов:

— Ўқишади ҳам, сотувчилик ҳам қилишади. Кадрларни шу магазинимизнинг ўзида тайёрлаймиз. Талабалар товарлар бўйича маълумот олишади, сотувчиликни ўрганишади,— дейди.

Мактабнинг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Бор-йўғи икки йил. Шу вақт мобайнида бу даргоҳдан 417 кадр етишиб чиқди. Улар «Таштекстилшвейторг», «Ташобувьторг», «Ташпромторг»нинг кўпчилик магазинлари, «Савдо маркази», «Болалар дунёси» каби кўпгина савдо ташкилотларида меҳнат қилишади. Пештоқига «Савдони ҳозирги замон эстетикаси талаби даражасида ташкил этиш кабинети» деб ёзилган хонага кирамиз. Успирин қиз-йигитлар— ўқувчиларнинг бир группаси шу ерда экан. (бундай группадан яна иккитаси бор экан). Дарсларни малакали мутахассислар, Собит Соатов, Абдуғани Саидов, Н. Комиссарова, А. Абдураҳмонов олиб боришарди.

Кабинетларга кўргазмали қуроллар, ҳар хил ассортиментдаги товарлардан намуналар, ҳисоблаш машиналари қўйилган. Бу кабинетларда ҳафтанинг уч кунида машғулот ўтказилса. қолган уч кунида ўқувчилар прилавкалар ортида туриб мустақил савдо қилишади.

Ҳаммага маълумки, харидорнинг сотувчидан бирдан-бир талаби — у ҳалол меҳнат қилсин, совет савдоси ходими деган шарафли номга доғ туширмасин, харидорга маданий ҳизмат кўрсатсин, ҳушмуомалада бўлсин.

Худди шу хусусда ўйлаб турганимизни сезгандай, директор:

— Ўқувчиларимиз ёш, 8—10-синфларни тугатиб келишган. Улар билан кўп ишлашга тўғри келади. Шу ёшдан хушмуомалалик билан ҳалол хизмат қилишга ўргатамиз. Агар хнёл бўлса ҳам харидор билан қўпол муомала қилса ёки бирор ножўя ҳаракати сезилса нзза қилинади. Бордию, яна сезилса, ўқишдан маҳрум қиламиз.

Ҳар ойда «ота-оналар куни» белгиланган.

Деворда Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари внставкасининг ёрлиғи рамкага солиб қўйилганини кўрдим. Унинг ёнида яна бир гувоҳнома. Унда «Янги типдаги савдо хизмати кўрсатиш, унга муносиб кадрлар етказиб бериш бўйича Бутуниттифоқ кўриги лауреати» сўзлари ёзилганди.

Бўлажак савдо ходимлари даргоҳидан қайтаётган эдик, рўпарадан қўлларида рубоб, доира кўтарган қувноқ қиз-йигитлар чиқиб қолишди. Улар ҳам шу мактабнинг талабалари, ҳаваскорлик тўгарагининг аъзолари экан. Бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари область кўригида биринчиликни олишибди.

Уларнинг ўқитувчилари—А. Абдураҳмонов, А. Саидов, Р. Иброҳимов, А. Круглов, бўлим мудири З. Абрамовалар кўксини доҳий Ленининнинг юбилей медали безаб турибди. Улар узоқ йиллик ҳалол хизмати эвазига бу юксак мукофотга сазовор бўлишган.

Ф. УСМОНОВА.

ПИОНЕР ЁЗИ СОЗ ЎТАДИ

Пионер ёзи бошланишига оз вақт қолди. Мактабларда машғулотлар қизғин давом этаётган бир пайтда пойтахтда пионер ва ўқувчиларнинг ёзги каникулларини ҳушчақчақ ва мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.

Пойтахтимиз мактаблари ўқувчилар учун қатор совғалар ҳозирланмоқда.

— Бу йил турар-жой бошқармалари яхши ташаббус билан чиқадилар,—дейди шаҳар халқ маорифи бўлимининг инспектори Р. Азимов.—Деярли ҳар бир турар-жой бошқармаси катта ҳовлиларда ёзги пионер лагерлари очишга киришди. Соғломлаштириш майдончалари очилади. Кутубхона ва турли тўгараклар ишлаб туради. Ёш ўлкашунос ва табиатшунослар учун экскурсиялар уюштирилади. Спорт мусобақалари қизғин тус олади.

Каникул кунларида спортнинг олти тури бўйича саккизинчи шаҳар спартакиадаси бўлиб ўтади. Мусобақаларда 300 га яқин болалар ва ёшлар командалари қатнашадилар.

Шаҳримиз яқинидаги сўлим боғ-роғлар қўйнида пионер лагерлари очилади. Оқтош, Бўстонлиқ, Чимён, Хумсондаги пионер лагерларида мавсумга тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди.

Шаҳар атрофидаги 40 дан ортиқ лагерь болалар ихтиёрида бўлади. Уларда 50 мингга яқин ўғил-қиз ёз гаштини суради. Тошкентнинг ўзида ташкил этилаётган пионер лагерларида 26 минг бола дам олади.

Пойтахт области бўйича ҳам пионер ёзига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Область халқ маорифи бўлимидан билдиришларича, жойларда янги павильонлар, спорт майдончалари ташкил этилмоқда. Мавсумда бир неча янги пионер лагери болаларни ўз бағрига олади.

А. АКБАРОВ.



Тошкент Давлат университети роман-герман филологияси факультетида ҳаваскорлик театри ташкил этилган. Ҳаваскор студентлар бир қатор спектакллари саҳналаштирдилар.

Суратда: яқинда саҳналаштирилган янги спектаклдан бир кўриниш.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ШИНГИЛ САТРЛАРИ

240 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб Карл Маркс қишлоқ Совети марказида қад кўтарди. Ўқувчилар 4-чоракда машғулотларни янги мактабда бошладилар.

Т. ЖУРАЕВ,
Калинин райони.

20 ишчи ўринга эга бўлган янги озиқ-овқат магазини Ангрен шаҳарининг 4 квартали меҳнаткашларига совға қилинди.

Ш. ЖАББОРОВ.

Академик Вавилов номли Бутуниттифоқ ўсимликлар институти республика филиали кўчатзорида ўстирилган 50 минг тупга яқин олма, ўрик, беҳи, олхўри ва бошқа мевали дарахт кўчатлари Фарғона, Хоразм, Сирдарё областлари, шунингдек Қорақалпоғистон АССРга юборилди.

Т. ЎРУНОВ.
Чирчиқ шаҳри.

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИНИНГ МУКОФОТЛАРИ

Матбуот куни арафасида СССР Журналистлар союзининг 1969 йилги энг яхши ишлар учун ҳар йили ўтказиладиган конкурси якунланди.

Ўзбекистон матбуотида эълон қилинган очерклар туркуми учун Э. Охуновага (Тошкент), фотосуратлар туркуми учун Бельта махсус мухбири А. Ананьинга (Минск), «Ленин Швецияда», «Доктор Мюллер изидан», «В. И. Ленининг Швеция, Дания, Финляндияда бўлиши тўғрисидаги масалага доир» деган ва «Сельская жизнь» газетасида босилган мақолалар учун Ю. Дашковга (Москва), ҳужжатли радио ҳикоялар туркуми учун Л. Маграчевга (Ленинград), «Перец» журналидаги фельетонлар учун Ф. Макивчукка (Киев), «Правда» газетасида эълон қилинган мақолалар учун А. Мурзинга, «Красная звезда» газетасида босилган очерклар туркуми учун М. Новиковга мукофотлар бериладиган бўлди.

СССР Журналистлар союзи мукофотининг лауреатлари орасида О. Орестов («Правда» газетаси, (Н. Полянов) «Известия» газетаси), А. Алексеева (Липецк областидаги Елец районида чиқадиган «Красное знамя» газетаси), М. Ивашкин (Львов областидаги «Социалистичний шлях» район газетаси), С. Кристи (Москва областидаги Воскресенск районида чиқадиган «Коммунист» газетаси), И. Нагаев, (Пермь шаҳридаги «Мотовилихинский рабочий» кўп тиражли газетаси) ва ёшларнинг республика газетаси «Падомью Яунатне (Рига) газетасининг рассоми Э. Сталиджанелар бор.

Бугун журналистлар марказий уйида мукофотлар топширилди. Мукофотланганларни СССР Журналистлар союзи правленнесининг раиси М. В. Зимянин самимий табриклади.

(ТАСС).



«Б» КЛАССИДА

Ўрта Осиё зонаси футбол коллективлари ўртасида Самарқанд спартакчилари пешқадамлик қилишмоқда. Улар сўнгги турда Нурекнинг «Энергетик» командасини қабул қилиб, 4:0 ҳисобида йирик ғалабага эришдилар. «Оққўрғон» Чоржўйининг «Ирригатор» командаси дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритди. Областимизнинг яна бир командаси «Химик» Гулистонда «Пахтачи»га қарши ўйнади. Чирчиқликлар бу сафар яна дуранг қилдилар—ҳисоб 0:0. Навбатдаги мусобақалар 9 майда бўлади.

МЕДАЛЛАР ЭГАСИНИ ТОПДИ

Хоккей бўйича СССР биринчилигни мусобақалари тугамаган бўлса ҳам чемпионатнинг уч голиби маълум бўлди. Бу йил олтин медаллар Марказий Армия Спорт клуби командасига, кумуш медаллар пойтахт спартакчиларига, бронза медаллари эса Воскресенскнинг «Химик» командаси ўйинчиларига тегди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ОЛДИНДА

Борис Спасский Голландияда ўтказилаётган тўрт гроссмейстер матч-турнирида пешқадамлик қилмоқда. Жаҳон чемпиони ўн имкониятдан 6 очко тўпладн. Тўққизинчи ва ўнинчи турларда у Михаил Ботвинник ва даниялик Бент Ларсенлар билан дуранг ўйнади. Шундай қилиб, Ларсен билан бўлган тўрт учрашувда Спасский 2,5:1,5 ҳисобида устун келди (бир ғалаба ва уч дуранг).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

Қадимги Миср билан Жанубий Америка ўртасида чиндан ҳам алоқа бўлганмиди? Археологлар Чилида бу фаразнинг исботини топишди. Бу ерда миср фиръавнларинникига жуда ўхшаш мўмиё, шунингдек тумор топилган.

* * *

Жанубий Америкада физиклар 5500 метр баландликдаги обсерваторияда янги хил космик нурларнинг изларини суратга туширдилар. Бу нурларда қувват даража кўрсаткичи бир (1) рақамидан сўнг 17 та нолли рақамдан иборат бўлиб, ҳозиргача кузатилган нурлар кўрсаткичидан 100 баравар юқоридир.

Доктор Митсун Такитана (Риккио университетнинг физика профессори) бундай дейди: Мазкур суратлар Квант назариясини тўла тасдиқлайди. Шунингдек, ҳозиргача маълум бўлган анча кўп юқори энергияли нурлар бор, деган фаразни исбот қилади.

* * *

Ер юзида энг оғир китоб («Шайтон библияси») — Стокгольмдаги қироллик кутубхонасида сақланаётир. Унинг муқоваси қалинлиги 40 миллиметрли дуб тахтадан ясалган. Китобнинг оғирлиги 350 килограмм. Бунда юзта эшакнинг терисидан қоғоз пергамент сифатида фойдаланилган.

* * *

Кўчани ёритувчи биринчи фонарь 1667 йилда Парижда пайдо бўлган. Россияда эса дастлабки кўча фонарлари 1723 йилда Петербургда ёқилган.

* * *

Берлиндаги давлат кутубхонасида сақланаётган географик атласнинг баландлиги 2 метрга боради, эни эса 1 метрдир. Бу XVII асрда нашр этилган энг катта титулли китоб ҳисобланади.

* * *

1953 йилда Амстердамда ташкил этилган китоб внставкасида почта маркасидан ўн марта кичик бўлган китоб намойиш қилинган.

* * *

Энг митти кутубхона 1900 йилда Парижда ташкил этилган жаҳон внставкасида намойиш этилган: бўйи 50 сантиметр, эни эса 30 сантиметрли шкафчага 15 мингта китоб жойлаштирилган. Энг кичкина китобнинг ҳажми почта маркасининг тўртдан бирига тенг бўлган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Г. 1638. ИНДЕКС — 64697. Р. 12593.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Телеянгиликлар. Ўзбек тилида: 18.10 — «Юлдузча» тележурнали. 18.40 — Радио куни олдидан. «Учинчи авлод ёки микроэлектрониканинг туғилиши» (Илмий-оммабоп фильм). 19.00 — Телеянгиликлар. 19.15.— Наманган район «Дилшод» халқ ансамблининг концерти. 20.15 — СССР Олий Советига сайловлар олдидан «Халқ номзодлари». 20.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун мультфильм. 18.10 — Буюк ғалабанинг 25 йиллиги олдидан. «Ёш тарихчилар олимпиадаси», (4-тур). 19.30 — Концерт.

Ўзбек тилида: 20.15 — «Ўзбекистон чорвадори» программаси. 20.55— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка Адиба Мирзаева куйлайди. 21.35 — Буюк ғалабанинг 25 йиллиги олдидан. «Генерал Раҳимов» (Бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/V да Севги тумори.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/V да Парвона, 7/V да Аяжонларим. (спектакллар кеч соат 8 да бошланади).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/V да Паранжи сирлари, 7/V да Гавҳари шамчироғ, 8/V да Навоий Астрободда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Лилипутлар иштирокида джаз-оркестр гастроллари.

«ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ САРОЙИДА — Ленинград Давлат муз устидаги балетининг гастроллари.

КИНО

Ўжар Кура — «СПУТНИК», «ЧАЙКА», (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 да).

Урушдан сўнг кеч соат 6 да — НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 4 да).

Циркллар, регентлар ва масхарабозлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ДРУЖБА», (кундуз ва кечқурун).

Олено Дундич (кундуз соат 12, 2, 4 да). Езги севги қиссаси (кеч соат 6, 8 ва 10 да) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ».

Халоскорлик (2 серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6 ва 9 да).

Бу севги бўлсачи! — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 кеч 6, 8 ва 9.45 минутда).

Утган кунлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Лилипутлар иштирокида
Дунёда ягона
Джаз-оркестр гастроллари
Постановкачи — РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими М. КАЧУРИНЕР.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА БОЛГАРИЯ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

9 ва 10 май кунлари уч марта: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томошо кўрсатилади. Касса эрталаб 11 дан очиқ.

«СПЕЦЭЛЕВАТОРМЕЛЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 5-ҚУРИЛИШ ПОЕЗДИГА
арматурачилар, бетончилар, дурадгорлар, сувоқчилар, слесарь-монтажчилар
КЕРАК
Меҳнат ҳақи-аккорд — мукофотли. Иш кўчма характерда бўлгани учун 30% қўшимча ҳақ тўланади.
Елгиз кишиларга ётоқхона берилади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Сулаймонова кўчаси, 41-уй.

«УЗКООПСТРОЙМОНТАЖ» ТРЕСТИГА
бош иқтисодчи, бошлиқлар: техника инспекцияси бўлимига, хўжалик ҳисобидаги таъминот конторларига: катта инженерлар: вентиляция ва иссиқлик таъминоти бўйича, қурувчилар; катта ревизор, юристконсульт
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жомий кўчаси, 5 уй. Телефонлар: 445500, 442783.